



**“Тарбия колонияларида жазони ўташ тартибининг тушунчаси ҳамда  
унинг ўзига хос хусусиятлари”**

*Нурмаматов Элчинбек Дишиод ўғли*

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси З-босқич курсанти*

**Аннотация.** Мақолада тарбия колонияларида жазони ўташи тушунчаси ҳамда унинг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, жазони ўташнинг асосий шартлари ва маҳкумларга қўлланиладиган қўшимча разбатлантириши ва интизомий жазо чоралари, уларни қўллаш хусусиятлари ҳақида маълумотлар берилган.

**Таянч сўзлар:** Тарбия колонияси, разбатлантириши ва интизомий жазо чоралари, пенитенсиар тизим, вояга етмаган маҳкум.

Жамиятимизда вояга етмасдан туриб нотўғри йўлларга кириб, жиноят содир етаётган шахслар ҳам йўқ емас албатта. Шундай екан уларни ахлоқан тарбиялаш ва қонунларга хурмат руҳини шакллантириш ҳамда бошқа тарздаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим ҳисобланади.

**Тарбия колонияси бу** - вояга етмай туриб жиноят содир этган маҳкумлар сақланадиган жазони ижро этиш муассаси ҳисобланади.

Мазкур колонияларда:

- ўн олти ёшгача бўлган вояга етмаган маҳкумлар каттароқ ёшдаги маҳкумлардан;
- биринчи марта озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган маҳкумлар илгари озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазони ўтаган маҳкумлардан алоҳида сақланадилар.



Тузалиш йўлига ўтган маҳкумлар белгиланган тартибда енгиллаштирилган сақлаш шароитига ўтказилади. “Тарбия колонияларида маҳкумлар умумий тураг жойларда яшайдилар.”<sup>1</sup>

Маҳкумлар белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 87,9 фоизигача бўлган суммага озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олишлари мумкин.

Жумладан тарбия колонияларида маҳкумлар йил мобайнида:

- йигирма тўрт марта қисқа муддатли ва саккиз марта узоқ муддатли учрашув;
- йигирма тўрт марта телефон орқали сўзлашув;
- ўн иккита посилка ёки йўқлов;
- ўн иккита бандерол олиш ҳукуқига эга.

Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки тарбия колониялрида маҳкумлар қонун билан белгилаб қўйилган ҳукуқ ва эркиликларини амалга оширадилар, бу бевосида Жиноят ижроия кодексида ҳам ўз аксини топган.

Вояга етмаган маҳкумларга ота-онаси ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар билан учрашувлар чекланмаган миқдорда берилади.

“Ўн саккиз ёшга тўлган ва тарбия колонияларида қолдирилган маҳкумларга вояга етмаган маҳкумлар учун белгиланган нормаларда овқат, уст-бош, моддий-маиший таъминот ва бошқа жазо ўташ шароитлари татбиқ этилади. Бу шахсларнинг меҳнат шароитлари меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ белгиланади.”<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Қаранг: “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озодликдан маҳрум қилиши туридаги жазони ижро этиши муассасаларининг ички тартиб қоидалари”нинг 46-банди (рўйхат рақами 2495, 29.07.2013-й.)

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021-йил 16-мартдаги 143-сонли “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг жазони ижро этиши муассасалари, тергов ҳибсхоналари, вақтинча сақлаши ҳибсхоналари ва маҳсус қабулхоналарида сақланаётган шахсларни таъминлаш мөъёrlарини тасдиqlashi тўғрисида”ги қарори.



Тарбия колонияларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумларга Жиноят ижроия кодексининг 102 моддасига мувофиқ қуидаги рағбатлантириш чоралари берилади:

- ташаккур эълон қилиш;
- илгари қўлланилган интизомий жазони муддатидан олдин олиб ташлаш;
- ёрлик, қимматли совға ёки пул мукофоти билан тақдирлаш;
- қўшимча посилка, йўқлов ёки бандерол олишга рухсат этиш;
- қўшимча учрашув ёки телефон орқали сўзлашув хуқуқини бериш;
- озик-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олиш учун пул суммасини кўпайтириш;

Шунингдек, маҳкумларга қуидаги рағбатлантириш чоралари ҳам берилиши мумкин:

- муассаса ҳудудидан ташқарида ўтказиладиган маданий-томуша ва спорт тадбирларини кўришга юбориш;
- қисқа муддатли учрашув ўрнига ота-онаси, уларнинг ўрнини босувчи шахслар ёки яқин қариндошлари қузатувида саккиз соатгача бўлган муддатга эркинликка чиқариш;
- ҳибсонада бўлиш муддатини қисқартириш ва ундан муддатидан илгари озод қилиш тариқасида рағбатлантирилишлари мумкин.

“Тарбия колониясида ҳибсонага киритиб қўйиш тариқасидаги интизомий жазо ўн тўртёшдан ўн олтигача бўлган маҳкумларга етти сутқагача, ўн олти ва ундан катта ёшдаги маҳкумларга эса ўн сутқагача бўлган муддатга қўлланилади.”<sup>3</sup> Жазони ўташ тартибини бузганлиги учун тарбия колонияларида маҳкумларга интизомий жазо чораларидан ташқари томошага боришдан бир марта маҳрум этиш тариқасидаги жазо қўлланилиши мумкин.

<sup>3</sup> Қаранг: “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озодликдан маҳрум қилиши туридаги жазони ижро этиши муассасаларининг ички тартиб қоидалари”нинг 52-банди (рўйхат рақами 2495, 29.07.2013-й.).



Тарбия колониясининг ҳибсхонасига киритиб қўйилган маҳкумларнинг сайр қилиш муддати суткасига икки соат қилиб белгиланади. Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган ўн саккиз ёшга тўлган маҳкумлар, одатда, йигирма бир ёшга тўлгунга қадар, тарбия колонияларида қолдирилади, бу жиноят ижроия кодексининг 128-моддасида ўз аксини топганлигини ҳам алоҳида такидалаб ўтишимиз лозим ҳисобланадаи албатта. Маҳкумларни тарбия колонияларида қолдириш муассаса бошлигининг прокурор томонидан тасдиқланган қарори билан амалга оширилади.

“Маҳкумлар йигирма бир ёшга тўлганидан, салбий тавсифга эга маҳкумлар эса ўн саккиз ёшга тўлганидан кейин жазо ўташни давом эттириш учун тарбия колониясидан умумий тартибли колонияга ўтказилади.”<sup>4</sup>

Жазо ўташни давом эттириш учун маҳкумларни жазони ижро этиш колониясига ўтказиш масалалари суд томонидан Жиноят-процессуал 537-моддасида назарда тутилган тартибда қўйидаги асосларга мувофиқ амалга оширилади.

Қонунчиликда назарда тутилган асосларга мувофиқ маҳкумни жазони ижро этишнинг бир тартибли колониясидан бошқа тартибли колониясига, турмадан колонияга ва колониядан турмага ўтказиш жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг тақдимномасига биноан, шунингдек маҳкумнинг ёки унинг химоячисининг илтимосномасига кўра судя томонидан амалга оширилади.

Судя жазони ижро этишнинг бир тартибли колониясидан бошқа тартибли колониясига, турмадан колонияга, колониядан турмага ўтказишни рад этса, бу масала юзасидан киритилган тақдимнома ёки илтимоснома рад қилиш хақида

<sup>4</sup> Қаранг: “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озодликдан маҳрум қилиши туридаги жазони ижро этиши муассасаларининг ички тартиб қоидалари”нинг 54-банди (рўйхат рақами 2495, 29.07.2013-й.).



қарор чиқарилган кундан бошлаб камида олти ой ўтгач қайта қўриб чиқилиши мумкин.

Ўн саккиз ёшга тўлган маҳкумни тарбия колониясидан жазони ижро этиш колониясига ўтказиш масаласини ҳал этишда судя унинг тузалиш даражасини ҳисобга олиши лозим. Маҳкум тарбия колониясида жазони ўташ муддатини давом эттириш учун узғи билан йигирма бир ёшга тўлгунга қадар қолдирилиши мумкин.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т. 2023.
2. Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси. – 20.09.2023-йил.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси 25.04.1997 yil
4. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2023-йил 2-ноябрдаги  
503-сонли буйруғи

#### **Интернет сайтлари:**

5. <https://lex.uz>.
6. <https://www.norma.uz>.
7. <https://constitution.uz>.
8. <https://www.uza.uz>.